

**БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА  
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМОНОВ КАМОЛ АМИНЖОНОВИЧ**

**ДИССЕМИНАЦИЯЛАШГАН СУТ БЕЗИ САРАТОНИДА  
КУЗАТИЛАДИГАН СУРУНКАЛИ НЕЙРОПАТИК ОҒРИҚ  
СИНДРОМИНИ МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОЛАШНИНГ  
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.14-Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Рахмонов Камол Аминжонович**

Диссеминациялашган сут беши саратонида кузатиладиган сурункали  
нейропатик оғриқ синдромини медикаментоз даволашнинг  
дифференциал ёндашувини такомиллаштириш ..... 3

**Рахмонов Камол Аминжонович**

Совершенствование дифференцированной медикаментозной  
коррекции хронического нейропатического болевого синдрома у  
больных диссеминированным раком молочной железы ..... 29

**Rakhmonov Kamol Aminzhonovich**

Improvement of Differentiated Pharmacological Correction of Chronic  
Neuropathic Pain Syndrome in Patients with Disseminated Breast Cancer .... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 61

**БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА  
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМОНОВ КАМОЛ АМИНЖОНОВИЧ**

**ДИССЕМИНАЦИЯЛАШГАН СУТ БЕЗИ САРАТОНИДА  
КУЗАТИЛАДИГАН СУРУНКАЛИ НЕЙРОПАТИК ОҒРИҚ  
СИНДРОМИНИ МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОЛАШНИНГ  
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.14-Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3833 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bgokim.uz](http://www.bgokim.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Рахимов Нодир Махамматкулович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алимходжаева Лола Телмановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Набиева Умида Пулатжановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.06.01 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 17А-уй. Тел.: (+99871) 203-11-03, факс: (+99871) 203-11-03; e-mail: [info@bgokim.uz](mailto:info@bgokim.uz)).

Диссертация билан Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси 17А-уй. Тел./факс: (+998 71) 203-11-03).

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.Ш. Полатова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.Б. Мамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Н.М. Джураева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Йирик тадқиқот марказлари маълумотларига кўра, «... сут бези саратони аёлларда онкологик касалланиш ва ўлимнинг етакчи сабабларидан бири бўлиб, юқори кеч босқичларда аниқланиш ва диссеминацияланган ҳолатларда 40–70% гача учрайдиган сурункали нейропатик оғриқ синдроми билан тавсифланади ...»<sup>1</sup>, шунингдек, ушбу ўсма микромуҳитида иммун тизими, яллиғланиш медиаторлари ва ангиогенез жараёнларининг ўзаро таъсири касалликнинг прогрессияси ва давога чидамлилигини белгилаб, биомаркерлар ва мақсадли терапияни такомиллаштириш зарурлигини асослайди.

Жаҳонда миқёсида диссеминацияланган сут бези саратонида кузатиладиган оғриқ синдроми нафақат клиник аҳамиятга эга бўлган патологик ҳолат, балки кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий юклама сифатида ҳам баҳоланади. Шу боис унинг патогенези, ташхиси ва даволашида комплекс, мултидисциплинар ёндашув зарур. Оғриқни самарали назорат қилиш «...онкологик ёрдам сифатининг асосий мезонларидан бири бўлиб, касаллик кечиши, давога мойиллик ва ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатади ...»<sup>2</sup>. Бироқ, амалда қўлланадиган фармакотерапия протоколлари (опиоидлар, антиконвульсантлар, антидепрессантлар ва адъювант воситалар) кўп ҳолларда етарли терапевтик самара бермаслиги, дори воситаларининг ноўғун таъсирлари ва давога чидамлилигининг ривожланиши ушбу йўналишда янги, клинко-патогенетик асосланган терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу тадқиқотнинг асосий вазифалари диссеминациялашган сут бези саратонидаги сурункали нейропатик оғриқ синдроми клинко-патогенетик жиҳатдан ўрганиш, шунингдек, унинг медикаментоз даволашда дифференциал ёндашувини такомиллаштиришга қаратилган. Бу йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар онкология соҳасида Ўзбекистонни жаҳон стандартлари

---

<sup>1</sup> World Health Organization. (2023). Ovary cancer. WHO Mortality Database.

<sup>2</sup> Wang W. L., Hao Y. H., Pang X., et al. Cancer pain: Molecular mechanisms and management // Molecular Biomedicine. – 2025. – Vol. 6. – Article 45.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

даражасига олиб чиқиш, индивидуаллаштирилган терапия стратегияларини жорий этиш ва беморларнинг ҳаёт сифати ҳамда умумий саломатлигини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-402-сонли Фармони<sup>4</sup>, 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4891-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Илмий тадқиқот республиканинг илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>5</sup>.** Диссеминацияланган сут беzi саратони юқори даражада оғриқ синдроми ривожланиши билан тавсифланаб, унинг патогенетик жиҳатлари, диагностикаси ва прогнозини шакллантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан: University of Washington, University of California, University of Colorado, Harvard University, National Institutes of Health Bethesda (АҚШ); Université de Strasbourg (Франция); University of Helsinki (Финляндия); University of Genoa, University of Messina (Италия); University of Medicine and Pharmacy (Руминия); University of Recep Tayyip Erdogan (Туркия); University of Guarulhos (Бразилия); University of Nagasaki (Япония); Ewha Womans University (Жанубий Корея); University of Québec (Канада); University of Belgrade (Сербия); University of Medical Sciences (Ирон); Deakin University (Австралия); ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Диссеминациялашган сут беzi саратонида сурункали нейропатик оғриқ синдромини доривор йўл билан коррекция қилиш бўйича тадқиқотлар дунёда бир қатор илмий марказларда олиб борилмоқда: АҚШда (Johns Hopkins University, University of Washington, Harvard University, National

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябр «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-402-сонли Фармони

<sup>5</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au), [www.cdhb.health.nz](http://www.cdhb.health.nz), [www.kch.nhs.uk](http://www.kch.nhs.uk), [www.ub.edu](http://www.ub.edu), [www.mad.nyu.edu](http://www.mad.nyu.edu), [www.stanford.edu](http://www.stanford.edu), [www.columbia.edu](http://www.columbia.edu), [www.illinois.edu](http://www.illinois.edu), [www.wcm-3.unipv.it](http://www.wcm-3.unipv.it), [www.unipi.it](http://www.unipi.it), [u-paris.fr](http://u-paris.fr), [www.bg.ac.rs](http://www.bg.ac.rs), [www.ncagp.ru](http://www.ncagp.ru) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Institutes of Health Bethesda) оғрикнинг молекуляр ва нейрофизиологик биомаркерлари, шу жумладан S100 оиласи оксиллари, IL-6, TNF- $\alpha$  ва BDNF таҳлил қилинмоқда, бу биомаркерлар терапия самарадорлигини прогнозлаш ва индивидуаллаштириш имконини беради; Европа марказларида (King's College Hospital, University of Strasbourg, University of Helsinki, University of Genoa, University of Messina) VEGF-A ва TGF- $\beta$  сигнал йўллари, ангиогенез ва ўсма микромухитидаги иммун-яллиғланиш омиллари ўрганилмоқда, бу жараёнлар оғрик синдроми ва ўсма прогрессияси билан боғлиқлиги аниқланмоқда; Осиё ва Лотин Америка университетларида (University of Nagasaki, Ewha Womans University, University of Guarulhos, University of Recer Таууір Erdogan) клинко-патогенетик хусусиятлар ва доривор коррекциянинг дифференцияланган схемалари тадқиқ этилмоқда; шу билан бирга, Самарқанд давлат тиббиёт университетида маҳаллий шароитда интегратив ёндашув асосида сурункали нейропатик оғрик синдроми, иммун-молекуляр биомаркерлар, ангиогенез сигнал йўллари ва ўсма жараёни босқичини ҳисобга олган ҳолда терапиянинг оптимал схемалари ишлаб чиқилмоқда, бу эса доривор коррекциянинг самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган.

Шунингдек, University of Helsinki (Финляндия), University of Nagasaki (Япония) ва Ewha Womans University (Жанубий Корея) олимлари диссеминациялашган сут беzi саратонида ривожланадиган сурункали нейропатик оғрик синдроми адыювант доривор терапия орқали коррекция қилиш самарадорлигини ва хавф профилини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борган. Ушбу тадқиқотлар натижалари клинко-патогенетик хусусиятлар, ўсма жараёни босқичи ҳамда олдиндан ўтказилган даволаш тажрибасини инобатга олган ҳолда терапияни индивидуаллаштиришнинг аҳамиятини кўрсатиб, диссеминациялашган сут беzi саратонида сурункали нейропатик оғрик синдроми доривор коррекция қилишда замонавий, дифференцияланган ёндашувларни ривожлантириш учун фундаментал илмий асосни таъминлайди.

Ушбу тадқиқотлар натижалари диссеминациялашган сут беzi саратонида кузатиладиган сурункали нейропатик оғрик синдроми доривор коррекция қилишда замонавий, дифференцияланган ва индивидуаллаштирилган терапевтик ёндашувларни ривожлантириш учун муҳим илмий асос яратади. Шунингдек, мазкур ёндашувлар терапия самарадорлигини ошириш, оғрик синдроми билан боғлиқ клинко ва ижтимоий-иқтисодий юкламани камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради. Бу эса диссеминациялашган сут беzi саратонида оғрик синдроми баҳолаш, прогноз қилиш ва терапевтик стратегияларни оптималлаштиришда илмий ва амалиётга қаратилган муҳим кадам сифатида баҳоланади.

**Муаммонининг ўрганилганлик даражаси.** Сурункали нейропатик оғрик синдроми диссеминациялашган сут беzi саратонида юқори даражада учрайди ва унинг даволаши, клинко кечиши ва турмуш сифатига таъсири

соҳа олимлари томонидан жиддий тиббий ва ижтимоий муаммо сифатида баҳоланмоқда (Smith J., 2018; Wang et al., 2020). Жаҳоннинг турли мамлакатларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, диссеминациялашган сут беши саратонидаги беморларнинг 30–60% да сурункали невропатик оғриқ компонентлари мавжуд, кўп ҳолларда уларнинг оғриқ синдроми олий даражада даволашга мослашмаган ва терапия самарадорлиги паст (Vera et al., 2019; Chen et al., 2021). Ўзбекистонда шу мавзудаги илмий тадқиқотлар ҳануз санокли бўлиб, клиник амалиётда оғриқни баҳолаш, индивидуал терапияни тайинлаш ва дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш бўйича барқарор алгоритмлар мавжуд эмас (Каххаров А.Ж., 2023).

Шу билан бирга, хорижий тадқиқотлар диссеминациялашган сут беши саратонидаги оғриқ синдромининг патогенезини, нейроиммун механизмларини ва доривор терапиянинг хавф профилини ўрганишга қаратилган, бу эса замонавий дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш учун илмий асос яратади (King's College Hospital, UK; University of Helsinki, Finland; Ewha Womans University, South Korea).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, диссеминациялашган сут беши саратонида сурункали невропатик оғриқ синдромини медикаментоз даволашда индивидуал ва дифференциалланган ёндашувни ишлаб чиқиш, унинг самарадорлиги ва хавф профилини баҳолаш долзарблиги долзарблигини тақозо қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетида 2023–2025 йиллар давомида амалга оширилган режали илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** диссеминацияланган сут беши саратони билан оғриган беморларда невропатик оғриқ синдромини замонавий биомаркерлар ва фармакологик стратегиялардан фойдаланган ҳолда персоналлаштирилган алгоритм яратиш орқали ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

диссеминацияланган сут беши саратони билан оғриган беморларда невропатик оғриқни дифференциал ташхис қилиш учун махсус анкета (НЕЙРО-РМЖ) ишлаб чиқиш;

нейропатик оғриқ компонентларини аниқлашда S100 $\beta$ , IL-6, TNF- $\alpha$  биомаркерларининг диагностик аҳамиятини белгилаш ҳамда клиник ва лаборатор мезонлардан фойдаланган ҳолда невропатик оғриқни аниқлаш учун кўп омилли прогностик модел яратиш;

нейропатик оғриқ биомаркерларининг динамикасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда турли адъювант препаратлар билан қўшма аналгетик схемаларнинг самарадорлигини баҳолаш;

морфин асосидаги замонавий оғриқсизлантириш схемаларини габапентин, амитриптилин ва лидокаин пластири билан комбинацияда қўллаш мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш, уларнинг клиник

самарадорлиги ва ножўя таъсирлар профилини патогенетик хусусиятлар ва биомаркерлар даражасини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш.

**Тадқиқот объекти** Самарқанд вилоятлараро хосписи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали базасида 2023 йил февралдан 2025 йил февралгача олиб борилган. Ушбу тадқиқот проспектив когорт тадқиқоти сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, кузатув даври 24 ойни ташкил этган. Тадқиқот Жами 110 нафар бемор тадқиқотга киритилган ва улар оғриқ синдромининг устувор компонентига қараб 3 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳ (n=52) – устувор нейропатик оғриқ компоненти бўлган беморлар; 2-гуруҳ (n=41) – устувор ноцицептив оғриқ компоненти бўлган беморлар; 3-гуруҳ (n=17) – аралаш турдаги оғриқ синдроми кузатилган беморлар. Беморларни гуруҳларга ажратиш DN4 анкета натижалари ва оғриқ синдроми хусусиятларининг клиник баҳолашига асосланган.

**Тадқиқот предмети** куйидаги биомаркерлар концентрацияси аниқланган: S100 оқсили, интерлейкин-6 (IL-6), C-реактив оқсил (СРБ), ўсма некрози альфа омили (TNF- $\alpha$ ), шунингдек касаллик тарихи, амбулатор карталар ва канцер-регистр маълумотлари ўрганилган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва вазифаларни бажариш мақсадида, замонавий усуллар тўплами қўлланилган: морфологик таҳлил, иммунологик текширув усуллари ҳамда статистик маълумотларни ишлов бериш методлари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор НЕЙРО-СБС номли махсус диагностик сўровнома ишлаб чиқилиб, нейропатик оғриқ клинико-психологик баҳолашни объектив миқдорий верификация воситалари билан интеграция қилинган ҳолда онкология амалиётида оғриқ синдромларини таққослама таҳлил қилиш ҳамда ташхислашда методологик имкониятларни сезиларли даражада кенгайтирган;

биомаркер профилининг (S100 $\beta$ , IL-6, TNF- $\alpha$ ) башоратловчи аҳамияти аниқланган ва илк бор маркерлар концентрацияси билан оғриқ синдроми интенсивлиги ўртасидаги корреляция ўрнатилган, бу эса персоналлаштирилган ташхислаш ва терапия мониторингида янги имкониятларни таъминлаган;

беморларнинг индивидуал клиник-патологик хусусиятлари инobatга олинган ҳолда, диссеминацияланган сут беzi саратони билан оғриган ва стандарт оғриқсизлантирувчи схемаларга резистент нейропатик оғриқ синдроми ҳолатларида клофелин ва морфин комбинацияси альтернатив терапевтик стратегия сифатида самарадорлиги тасдиқланган;

оғриқ фенотипини инobatга олган ҳолда персоналлаштирилган анальгетик стратегиянинг мақсадга мувофиқлиги исботланиб, доривор комбинациялар оғриқ интенсивлигини визуал-аналог шкаласи (ВАШ) бўйича сезиларли даражада пасайтирган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

НЕЙРО-РМЖ сўровномасининг жорий этилиши диагностик жараёни сезиларли даражада оптималлаштириб, нейропатик оғриқ компонентларини верификация қилиш муддатини  $3,2 \pm 1,8$  кундан  $1,4 \pm 0,6$  кунгача қисқартирган ва ташхис аниқлигини 8,2% га ошириш орқали адекват терапияни ўз вақтида белгиловчи муҳим инструмент сифатида хизмат қилиши исботланган;

биомаркер мониторинги (S100β, IL-6) оғриқ синдромини объектив баҳолаш ҳамда терапевтик интервенциялар самарадорлигини башорат қилиш имконини таъминлаб, паллиатив онкологияда персоналлаштирилган ёндашувни амалга ошириш учун янги илмий асос ва стратегик имкониятлар яратган;

морфин ва адъювант препаратлар комбинацияси (айниқса морфин+габапентин) оғриқ синдроми интенсивлигини ВАШ бўйича ўртача 4,6 баллга камайтириши ва нейровоспаллятор биомаркерларнинг экспрессиясини сезиларли даражада пасайтириши аниқланган бўлиб, бу персоналлаштирилган аналгезия стратегиялари орқали беморларнинг функционал ҳолати ва ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилган;

нейропатик оғриқни аниқлаш учун ишлаб чиқилган ва жорий этилган комплекс алгоритм ташхис қўйиш вақтини  $3,2 \pm 1,8$  кундан  $1,4 \pm 0,6$  кунгача қисқартиб ( $p < 0,001$ ) ва диагностика харажатларини 61,8% га камайтириши орқали онкология хизматини такомиллаштириш ва паллиатив ёрдам сифатини ошириш ҳамда бюджет маблағларини тежаш имкониятини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган барча текширувлар халқаро стандартлар ва лаборатория диагностика протоколларига мувофиқ бажарилган, натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига тасдиқланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижалари илмий аҳамиятга эга бўлиб, ўтказилган тадқиқот клиник онкология ва паллиатив тиббиётнинг методологик асосларини ривожлантиришга қўшган хиссаси билан белгиланган. Хусусан, диссеминацияланган сут беши саратони билан оғриган беморларда сурункали нейропатик оғриқ синдромини терапия қилиш соҳасида муҳим натижаларга эришилган. Асосий аҳамиятга эга жиҳатлари шундаки: биомаркерлар мажмуасининг (S100β, IL-6, TNF-α, CRP) диагностик қийматини илмий асослаб чиқилган; махсус НЕЙРО-РМЖ сўровномаси ишлаб чиқилган ва турли оғриқ фенотипига эга беморларни стратификация қилиш учун кўпомилли модел яратилган; бу натижалар персоналлаштирилган терапияни такомиллаштиришга хизмат қилган ва онкологияда патогенетик йўналтирилган оғриқсизлантириш стратегиясини ривожлантириш учун замин яратган.

Тадқиқот натижалари амалиётда юқори амалий аҳамиятга эга бўлиб, клиник амалиётга инновацион, дифференцияланган доривор коррекция алгоритмлари жорий қилинган. Уларнинг асосида опиоидлар ва адъювант препаратлар (морфин + габапентин/амитриптилин/лидокаин пластири) қўшма қўлланилган. Таклиф этилган терапевтик схемалар юқори клиник

самарадорликни намоён қилган, оғриқ интенсивлигини сезиларли даражада камайтирган ва яллиғланиш биомаркерлари ифодасини пасайтирган. Бу эса уларнинг ихтисослаштирилган онкология стационарлари ва хосписларда амалиётга жорий этилишини тасдиқлаган. Шу билан бирга, ишлаб чиқилган услубий тавсиялар беморларнинг маршрутини оптималлаштиришга, паллиатив ёрдам сифатини оширишга ва оғриқ синдром патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда фармакотерапияни индивидуаллаштириш имкониятини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссеминацияланган сут беzi саратони билан оғриган беморларда нейропатик оғриқ синдромининг оғирлиги ва яллиғланиш биомаркерлари (S100 $\beta$ , IL-6, TNF- $\alpha$ , CRP) даражасининг ошиши ўртасидаги корреляцияни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот натижаларига асосланиб:

«Диссеминацияланган сут беzi саратони билан оғриган беморларда S100 белги гиперэкспрессияси орқали ноцицептив ва нейропатик оғриқларни дифференциялаш усули» номли методик тавсия (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хулосаси № 25/38, 2025 йил 22 сентябр) тасдиқланиб, амалиётга жорий этилган.

*Биринчи илмий янгилик* амалиётга жорий этилди: Хроник нейропатик оғриқ синдроми билан оғриган беморларда S100 $\beta$  ва IL-6 концентрациясининг ошиши касалликнинг оғир кечиши ва ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқлиги исботланди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* 2025 йил 25 августдаги №67-сонли буйруқ – Самарқанд давлат тиббиёт университети; 2025 йил 4 июлдаги №70-Т-сонли буйруқ – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали; 2024 йил 18 июлдаги №54-сонли буйруқ – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали. *Ижтимоий самарадорлик* биомаркерли диагностика қўлланилиши натижасида: нейропатик оғриқ компонентини аниқлаш аниқлиги ошди; беморларни стратификация қилиш яхшиланди; оғриқсизлантириш терапияси ўз вақтида тузатилди. Бу эса оғриқ интенсивлигининг ВАШ бўйича 4,6 баллга пасайишига ва ҳаёт сифати кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келди. *Иқтисодий самарадорлик* харажатлар таҳлили шундан далолат берадики: ихтисослаштирилган стационарда бир кунлик ўртача харажат 187 885 сўм; терапия давомийлиги – 10 кун. Биомаркер мониторинги ва персоналлаштирилган коррекция жорий этилиши натижасида: госпитализация муддатлари қисқарди; опиоид анальгетиклар дозаси камайтирилди; умумий харажатлар 24,8% га камайди. *Хулоса.* Хроник нейропатик оғриқ синдромини ташхислаш ва коррекция қилиш бўйича персоналлаштирилган алгоритмнинг амалиётга жорий этилиши: беморлар ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилади; соғлиқни сақлаш тизимида молиявий харажатларни камайтиришга эришилди.

*Иккинчи илмий янгилик* амалиётга жорий этилди: Нейропатик оғриқ синдроми ифодаланиши билан биомаркерлар даражаси

(S100β, IL-6, TNF-α, CRP), шунингдек, ўсма жараёни босқичи, гистологик тури ва диссеминацияланган сут беши саратони билан оғриган беморлар ёши ўртасида ишончли корреляция мавжудлиги аниқланди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши*: 2025 йил 25 августдаги №67-сонли буйруқ – Самарқанд давлат тиббиёт университети; 2025 йил 4 июлдаги №70-Т-сонли буйруқ – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали; 2024 йил 18 июлдаги №54-сонли буйруқ – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали. *Ижтимоий самарадорлик* ишлаб чиқилган дифференцияланган терапия алгоритми қўйидагиларга эришиш имконини берди: беморлар ҳаёт сифатини сезиларли яхшилаш; оғриқ синдроми авж олиш ҳолатларини камайтириш; даволашга риоя даражасини ошириш. Биомаркер мониторинги эса беморларни аниқроқ стратификация қилиш ва анальгетик схемаларни ўз вақтида коррекция қилиш имкониятини яратди. *Иқтисодий самарадорлик* иқтисодий таҳлил натижалари персоналлаштирилган ёндашувни жорий этиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади. Стационарда ўртача даволаниш муддати 6–7 кунга қисқарди. Бир беморга тўғри келадиган харажат 2 080 000 сўмдан 945 000 сўмгача пасайди. Республика миқёсида бу йиллик ҳисобда 26% дан ортиқ бюджет маблағларини тежашга тенг келади. *Хулоса*. Хроник нейропатик оғриқ синдроми ташхислаш ва даволаш бўйича персоналлаштирилган схема қўлланилиши: беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади; умр давомийлигини узайтиришга хизмат қилди; соғлиқни сақлаш тизимида молиявий ресурслардан фойдаланишни оптималлаштирди.

*Учинчи илмий янгилик* амалиётга жорий этилди: Диссеминацияланган сут беши саратони ва хроник нейропатик оғриқ синдроми билан оғриган беморларда паст дозали қўшма анальгетик терапия (морфин + габапентин + амитриптилин + лидокаин пластири) қўлланишининг самарадорлиги исботланди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши*: 2025 йил 25 августдаги №67-сонли буйруқ – Самарқанд давлат тиббиёт университети; 2025 йил 4 июлдаги №70-Т-сонли буйруқ – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали; 2024 йил 18 июлдаги №54-сонли буйруқ – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали. *Ижтимоий самарадорлик* Қўшма терапия қўлланилиши қўйидагиларга эришиш имконини берди: беморлар ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаш; фаол ҳаёт давомийлигини ошириш; оғриқ интенсивлигини ВАШ бўйича 4,6 баллга пасайтириш; опиоидларни узоқ муддат қўллаш билан боғлиқ асоратларнинг камайиши.

*Иқтисодий самарадорлик* комбинацияланган схемалар қўлланилиши натижасида: опиоид анальгетиклар дозаси қисқарди; ноҳўя таъсирлар сони пасайди; стационарда даволаниш муддати қисқарди. Бу йиллик ҳисобда харажатларни 25,4% га камайтириш имкониятини берди. *Хулоса*. Диссеминацияланган сут беши саратони ва хроник нейропатик оғриқ синдроми билан оғриган беморларда персоналлаштирилган паст дозали

қўшма терапия схемалари ўзини клиник жиҳатдан самарали ва хавфсиз усул сифатида кўрсатди. Шу сабабли, ушбу ёндашувни паллиатив онкологик ёрдам шароитида оғриқсизлантиришнинг алтернатив ва мақбул варианты сифатида тавсия қилиш мумкин.

*Тўртинчи илмий янгилик* амалиётга жорий этилди: Диссеминацияланган сут беши саратони билан оғриган беморларда нейропатик оғриқ синдроми оғирлигини баҳолашда локал кўрсаткичлар (клиник шкалалар ва НЕЙРО-РМЖ анкета натижалари) ҳамда системавий кўрсаткичлар (S100β, IL-6, TNF-α, CRP)ни комплекс равишда аниқлашнинг аҳамияти исботланди. Бу клиник кечиш хусусиятларини баҳолаш ва ҳаёт сифатини прогноз қилишда муҳим аҳамият касб этади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши*: 2025 йил 25 августдаги №67-сонли буйруқ – Самарқанд давлат тиббиёт университети; 2025 йил 4 июлдаги №70-Т-сонли буйруқ – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали; 2024 йил 18 июлдаги №54-сонли буйруқ – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали. *Ижтимоий самарадорлик* Персоналлаштирилган алгоритмнинг жорий этилиши: оғир асоратлар частотасини камайтиришга, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга, фаол ҳаёт давомийлигини оширишга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлик* биомаркер мониторинги ва индивидуаллаштирилган терапия схемаларини қўллаш натижасида: 12 ой ичида харажатлар 26,7% га камайди; республика миқёсида, 50 ва ундан ортиқ оғир нейропатик оғриқ синдромига эга беморларни даволашда, йиллик ҳисобда 40 млн сўмдан ортиқ иқтисодий самара кузатилди. *Хулоса* клиник баҳолаш ва биомаркер мониторингини уйғунлаштирган персоналлаштирилган ёндашув: терапия самарадорлигини оширди, госпитализация муддатларини қисқартирди, хавфсизлик профилини қўллаб-қувватлади. Келгуси тадқиқотлар учун истиқболли йўналиш – классик анальгезияни янги таргетли ва иммуно-модулятор воситалар билан комбинацияда қўллаш имкониятларини ўрганиш орқали хроник оғриқни назорат қилишни кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025 йил 14 сентябрдаги №9343-сонли хати тақдим этилган. Ушбу хатда К.А. Рахмоновнинг «Диссеминациялашган сут беши саратонида кузатиладиган сурункали нейропатик оғриқ синдромини медикаментоз даволашнинг дифференциал ёндашувини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертацион тадқиқоти доирасида ишлаб чиқилган тўртта илмий янгиликни Ўзбекистон Республикасидаги бошқа онкологик ва паллиатив тиббиёт муассасалари амалиётига жорий этиш масаласи баён этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи боби икки кичик бобдан иборат бўлиб, диссеминациялашган сут беши саратонида кузатиладиган сурункали нейропатик оғриқ синдромини медикаментоз даволашнинг дифференциал ёндашуви бўйича адабиётлар таҳлилинини ўз ичига олган. Бунда синдромнинг патогенези, клиник кўринишлари, ташхислаш усуллари, фармакотерапевтик стратегиялари ва замонавий терапевтик ёндашувлар муҳокама қилинган. Шу билан бирга, мавжуд тадқиқотлардаги баҳсли ва ҳал этилмаган масалалар қайд этилган, амалда қўлланилаётган диагностика ва даволаш усуллари афзалликлари ва чекловлари таҳлил қилинган. Ушбу таҳлил замонавий клиник амалиётда сурункали нейропатик оғриқ синдромини индивидуаллаштирилган фармакологик терапия орқали оптимал бошқариш имкониятларини аниқлашга хизмат қилган.

Бобда таҳлил қилинган адабиётлар асосида умумлаштирилган хулосалар чиқарилган ва диссертация мавзусини илмий жиҳатдан асослашга хизмат қилган.

Диссертациянинг «**Диссеминацияланган сут беши саратони билан оғриган беморларда нейропатик оғриқ синдромини тадқиқ этиш**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган.

Тадқиқот 2023 йил февралдан 2025 йил февралга қадар Самарқанд вилояти ҳудудлараро хосписи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали базасида олиб борилган. Тадқиқотга 18 ёшдан 75 ёшгача бўлган, гистологик жиҳатдан тасдиқланган диссеминацияланган сут беши саратони билан оғриган ва

визуал-аналог шкала (ВАШ) бўйича оғриқ интенсивлиги  $\geq 3$  балл бўлган аёллар киритилган, оғир ҳамроҳ патологиялари, рухий бузилишлари, психотроп препаратларни қабул қилиши ёки сўровнома саволларини мустақил тўлдира олмаслик каби ҳолатлар чиқариш мезони сифатида белгиланган. Жами 110 нафар бемор оғриқ синдромининг устувор компонентига қараб уч гуруҳга ажратилган: асосан нейропатик оғриқ компоненти устувор бўлганлар (n=52), асосан ноцицептив оғриқ компоненти устувор бўлганлар (n=41) ва аралаш турдаги оғриқ синдроми бўлганлар (n=17) (жадвал 1). Беморларни гуруҳларга ажратиш DN4 сўровномаси натижалари ва оғриқ синдромининг клиник хусусиятларини баҳолашга асосланган.

Тадқиқотда биомаркерлар даражаси иммунофермент таҳлил (ИФА) усули билан аниқланган. Шу жараёнда қуйидаги биомаркерлар концентрацияси белгиланган: S100 оксиди, интерлейкин-6 (IL-6), С-реактив оксид (СРБ) ва ўсма некрози фактори альфа (TNF- $\alpha$ ).

### 1-жадвал

#### Сут беzi саратонининг молекуляр-биологик подтиплари бўйича беморларнинг тақсимланиши

Молекуляр подтип	Гуруҳ 1 (n=52)	Гуруҳ 2 (n=41)	Гуруҳ 3 (n=17)	p-value
Luminal A, n (%)	18 (34,6)	15 (36,6)	6 (35,3)	0,978
Luminal B, n (%)	16 (30,8)	13 (31,7)	5 (29,4)	0,984
HER2+, n (%)	10 (19,2)	7 (17,1)	3 (17,6)	0,962
Triple negative (Basal-like), n (%)	8 (15,4)	6 (14,6)	3 (17,6)	0,953

Сут беzi саратонининг молекуляр-биологик подтиплари бўйича беморларнинг тақсимоти таҳлил қилиниб, гуруҳлар орасида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади ( $p > 0,05$ ). Барча гуруҳларда асосан люминал подтиплар (Luminal A ва Luminal B) устувор бўлиб, бу сут беzi саратонининг ушбу подтиплари тарқалишининг умумий популяцион учрашига мувофиқ келди. Метастатик ўчоқлар жойлашиши бўйича тақсимот ҳам гуруҳлар ўртасида ўхшаш бўлиб, статистик аҳамиятли фарқлар қайд этилмади ( $p > 0,05$ ). Барча гуруҳларда энг кўп кузатилган метастазлар суяклар (68,3–76,5%), лимфа тугунлари (58,8–61,0%) ва ўпкада (36,5–41,2%) аниқланган.

Тадқиқот гуруҳларининг демографик ва клиник кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, уларнинг хусусиятлари янада тўлиқроқ тавсифланган (жадвал 2).

### 2-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг демографик ва клиник хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳ 1 (n=52)	Гуруҳ 2 (n=41)	Гуруҳ 3 (n=17)	p-value
Ёш, йил (M $\pm$ SD)	58,4 $\pm$ 9,7	56,9 $\pm$ 10,2	59,3 $\pm$ 8,9	0,637
Тана масса индекси, кг/м <sup>2</sup> (M $\pm$ SD)	27,3 $\pm$ 4,8	26,8 $\pm$ 5,1	28,1 $\pm$ 4,5	0,582
Касаллик давомийлиги, ой (Me [Q1; Q3])	24 [16; 38]	22 [14; 36]	26 [18; 40]	0,421

Ташхис қўйилган пайтдан метастазлар аниқлангунигача бўлган вақт, ой (Ме [Q1; Q3])	18 [10; 28]	16 [9; 26]	19 [11; 30]	0,384
ECOG шкаласи бўйича статус, n (%)				0,753
0–1	31 (59,6)	26 (63,4)	9 (52,9)	
2	16 (30,8)	12 (29,3)	6 (35,3)	
3	5 (9,6)	3 (7,3)	2 (11,8)	
Ҳамроҳ касалликлар, n (%)				
Артериал гипертензия	28 (53,8)	21 (51,2)	10 (58,8)	0,862
2-тур қандли диабет	9 (17,3)	7 (17,1)	3 (17,6)	0,998
Ишемик юрак касаллиги	13 (25,0)	10 (24,4)	5 (29,4)	0,912
Сурункали обструктив ўпка касаллиги	6 (11,5)	4 (9,8)	2 (11,8)	0,953
Остеопороз	15 (28,8)	11 (26,8)	5 (29,4)	0,973

Тадқиқот гуруҳларининг демографик ва клиник кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, гуруҳлар орасида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмаган ( $p > 0,05$ ). Беморларнинг ўртача ёши  $56,9 \pm 10,2$  дан  $59,3 \pm 8,9$  йилгача бўлган, тананинг масса индекси  $26,8 \pm 5,1$ – $28,1 \pm 4,5$  кг/м<sup>2</sup> ни ташкил этган. Касаллик давомийлигининг медианаси 22 [14;36]–26 [18;40] ой оралиғида ўзгарган. Кўпчилик беморларда ECOG шкаласи бўйича қониқарли функционал статус (0–1 балл) қайд этилган. Энг кўп учраган ҳамроҳ касалликлар қаторидан артериал гипертензия (51,2–58,8%), остеопороз (26,8–29,4%) ва ишемик юрак касаллиги (24,4–29,4%) бўлган.

Оғриқ синдромини баҳолаш учун визуал-аналог шкала (ВАШ), нейропатик оғриқ компонентларини аниқлаш учун DN4 сўровномаси, оғриқнинг ҳаёт сифатини чеклаш даражасини баҳолаш учун Brief Pain Inventory (BPI) ҳамда умумий ҳаёт сифатини баҳолаш учун SF-36 сўровномаси қўлланилган. Баҳолаш тадқиқотга киритилган ва кейинги 3, 6, 12 ҳамда 24 ойлик кузатиш босқичларида такрорланган.

Аниқланган методологик чекловларга эътибор қаратилган ҳолда, махсус сўровнома ишлаб чиқилган. У мавжуд диагностик инструментларнинг кучли ва заиф жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда комплекс тузилишга эга. Сўровнома жами 20 пунктдан иборат бўлиб, шундан 16 та пункт бемор томонидан тўлдирилган, 4 та пункт эса шифокор томонидан объектив баҳолаш учун мўлжалланган ва «Диссеминацияланган сут беши саратони билан оғриган беморларда нейропатик оғриқни дифференциация қилиш сўровномаси (НЕЙРО-РМЖ)» деб номланган.

**Қисм I:** Бемор учун саволлар (16 пункт)

А бўлими: Оғриқнинг интенсивлиги ва локализацияси (4 пункт)

Ҳозирги пайтдаги оғриқ интенсивлигинингизи 0 дан 10 гача шкалада баҳоланг, бу ерда 0 —

оғриқ йўқ, 10 — тоқат қилиб бўлмайдиган оғриқ.

Рақамли шкала: 0–10

Сўнгги 7 кун ичидаги энг кучли оғриқ интенсивлигинингизи 0 дан 10 гача шкалада баҳоланг.

Рақамли шкала: 0–10

Танангиз суратида оғрик сезилган жойларни белгиланг ва энг кучли оғрикни сезган жойни айлантириб кўрсатинг.

Тана схемаси (олд ва орқа томон) белгилаш учун

Оғрик ўсма ёки метастаз худудидан ташқарига тарқаладими?

- Йўқ
- Ҳа, озгина
- Ҳа, кучли
- Жавоб бериш қийин

В бўлими: Оғрик характери (6 пункт)

5. Оғрик соҳасида қуйидагилардан қайсинидир ҳис қиласизми? (мос келадиган барча жавобларни белгиланг)

- Ёниш
- Чимиллаш
- Ток ургандек
- Карахлаш
- «Мурашка» босиши
- Йўқ

6. Ушбу ноодатий ҳислар қанчалик кучли?

Рақамли шкала: 0–10

7. Оғрик сабабсиз, тўсатдан пайдо бўладими?

- Ҳеч қачон
- Камдан-кам
- Тез-тез
- Доимий

8. Оғрик кучаядими:

- Оғриқли соҳани энгил тегганда
- Оғриқли соҳани босганда
- Совуқ таъсирида
- Иссиқ таъсирида
- Йўқ

9. Карах бўлган жойда оғрик сезиладими?

- Йўқ
- Ҳа, озгина
- Ҳа, кучли

Жавоб бериш қийин

10. Оғрик характери кун давомида ўзгарадими?

- Йўқ, доимий оғрик
- Ҳа, кечкурун кучаяди
- Ҳа, тунги пайт кучаяди
- Ҳа, эрталаб кучаяди
- Бошқа: \_\_\_\_\_

С бўлими: Оғрикнинг ҳаёт сифатга таъсири (6 пункт)

11. Оғрик уйкуга қандай таъсир қилади?

- Таъсир қилмайди
- Озгина қийналаман
- Жуда қийналаман
- Уйку умуман мумкин эмас

12. Оғрик кундалик фаолиятингизга қандай таъсир қилади?

- Таъсир қилмайди
- Озгина чеклайди
- Жиддий чеклайди
- Умуман имкон бермайди

13. Оғрик кайфиятингизга таъсир қиладими?

- Йўқ
- Вақти-вақти билан асабийлик пайдо қилади
- Доимий асабийлик ёки тушкунликка олиб келади
- Кучли хавотир ёки депрессияга олиб келади

14. Оғриқсизлантирувчи дори воситалари қанчалик самарали?

- Тўлиқ йўқотади
- Жуда камайтиради
- Озгина камайтиради
- Деярли ёрдам бермайди

15. Дори воситаларидан ташқари қайси усуллар оғрикни камайтиради? (мос келадиган барчасини белгиланг)

- Совуқ
- Иссиқ
- Массаж

- Танани ўзгартириш
- Эътиборни чалғитиш
- Ёрдам бермайди
- Бошқа: \_\_\_\_\_

16. Оғриқ яқинларингиз билан мулоқот қилишингизга қай даражада халал беради?

- Умуман халал бермайди
- Озгина халал беради
- Жиддий чеклайди
- Имкон бермайди

**Қисм II: Шифокор баҳоси (4 пункт)**

17. Оғриқ соҳасида асаб тизими шикастланишининг объектив белгилари:

- Йўқ
- Мушакларнинг локал атрофияси
- Терида трофик ўзгаришлар
- Тери ранги ўзгариши
- Шиш
- Бошқа: \_\_\_\_\_

18. Оғриқ соҳасида тактил ҳис қилиш ҳолати:

- Нормал
- Гипестезия (пасайган)
- Гиперестезия (ошган)
- Аллодиния (нооғриқ таъсирда оғриқ сезиш)
- Анестезия (умуман йўқ)

19. Оғриқ соҳасида ҳарорат ҳис қилиш ҳолати:

- Нормал
- Совуққа сезиш пасайган
- Иссиққа сезиш пасайган
- Умуман йўқ
- Парадоксал (иссиқни совуқ деб ҳис қилиш ёки аксинча)

20. Оғриқ локализацияси асаблар ёки дерматомлар тарқалишига қанчалик мос келади?

- Мос келмайди
- Қисман мос келади
- Тўлиқ мос келади
- Бир нечта асаблар иннервациясига мос

Баллар ҳисоблаш тизими

Қисм I (бемор саволлари):

Саволлар 1, 2, 6: тўғридан-тўғри балл (0–10)

Саволлар 3, 15: балл билан баҳоланмайди, сифатли баҳолаш учун

Саволлар 4, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 16: симптом кучига қараб 0–3 балл

Савол 5: ҳар бир белгиланган симптом учун 1 балл (максимум 5 балл)

Қисм II (шифокор баҳоси):

Саволлар 17–20: белгиланган аломат кучига қараб 0–3 балл

Натижаларни интерпретация қилиш:

0–15 балл: нейропатик оғриқ эҳтимоли паст

16–30 балл: нейропатик оғриқ эҳтимоли ўртача

31–45 балл: нейропатик оғриқ эҳтимоли юқори

>45 балл: нейропатик оғриқ эҳтимоли жуда юқори

НЕЙРО-РМЖ сўровномаси бемор биринчи марта оғриқдан шикоят қилганида, оғриқ синдромининг хусусияти ўзгарганида ва амалга оширилаётган терапия самарадорлигини мунтазам мониторинг қилиш мақсадида қўлланиши тавсия этилади. У нейропатик оғриқ компонентларини ўз вақтида аниқлаш ва оғриқсизлантириш терапиясини оптималлаштириш

имконини беради ҳамда диссеминацияланган сут беши саратони билан оғриган беморлар ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилайти.

Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирган хулоса билан тугаган.

**Диссертациянинг учинчи боби «Онкологик беморларда нейропатик оғриқни диагностика қилиш усуллариининг таққослама таҳлили»** деб номланиб, унда онкологик беморларда нейропатик оғриқни баҳолаш учун тўртта валидизация қилинган инструментнинг таққослама таҳлили амалга оширилган: DN4 (Douleur Neuropathique 4), LANSS (Leeds Assessment of Neuropathic Symptoms and Signs), NPQ (Neuropathic Pain Questionnaire) ҳамда диссеминацияланган сут беши саратони билан оғриган беморлар учун махсус ишлаб чиқилган НЕЙРО-РМЖ сўровномаси. Текширилган танланманинг демографик ва клиник кўрсаткичлари шундан иборат: беморларнинг ўртача ёши  $58,4 \pm 12,7$  йил, аёллар ва эркаклар нисбати 64:46. Оғриқ турлари бўйича тақсимот эса қуйидагича: нейропатик оғриқ 52 беморда (47,3%), ноцицептив оғриқ 41 беморда (37,3%) ва аралаш оғриқ 17 беморда (15,4%) аниқланган.

DN4 қўлланиш натижалари. Нейропатик оғриқ гуруҳида DN4 бўйича ўртача балл  $6,2 \pm 1,8$  ни ташкил қилган, бу кўрсаткич ноцицептив оғриқ гуруҳида қайд этилган  $2,1 \pm 1,4$  баллдан статистик аҳамиятли равишда юқори бўлган ( $p < 0,001$ ). Стандарт чегара қиймати  $\geq 4$  балл қўлланилганда сезгирлик 84,6% ни ташкил қилган (52 бемордан 44 таси), махсуслик эса 87,8% бўлган (41 бемордан 36 таси). Шунингдек, аралаш оғриқ гуруҳида ижобий натижа 17 бемордан 14 тасида (82,4%) қайд этилган.

LANSS қўлланиш натижалари. LANSS шкаласи бўйича ўртача қийматлар қуйидагича бўлган: нейропатик оғриқ гуруҳида –  $16,8 \pm 4,2$  балл, ноцицептив оғриқ гуруҳида –  $7,3 \pm 3,1$  балл ( $p < 0,001$ ). Чегара қиймати  $\geq 12$  баллда сезгирлик 88,5% ни ташкил қилган (52 бемордан 46 таси), махсуслик эса 82,9% ни ташкил қилган (41 бемордан 34 таси). Шу билан бирга, ноцицептив оғриқли 7 беморда (17,1%) ёлгон-ижобий натижа қайд этилган.

NPQ қўлланиш натижалари. NPQ бўйича умумий балл нейропатик оғриқ гуруҳида  $52,7 \pm 18,3$ , ноцицептив оғриқ гуруҳида эса  $21,4 \pm 12,6$  ни ташкил қилган ( $p < 0,001$ ). Чегара қиймати  $> 36$  баллда сезгирлик 80,8% ни ташкил қилган (52 бемордан 42 таси), махсуслик эса 85,4% ни ташкил қилган (41 бемордан 35 таси). Энг дискриминатив дескрипторлар қуйидагилар бўлган: “ёниш” (ўртача балл  $7,2 \pm 2,8$  vs  $1,8 \pm 2,1$ ), “чимиллаш” ( $6,8 \pm 3,1$  vs  $2,3 \pm 2,4$ ) ва “ток ургандек ҳис” ( $5,9 \pm 3,4$  vs  $0,7 \pm 1,2$ ).

НЕЙРО-РМЖ қўлланиш натижалари. НЕЙРО-РМЖ сўровномаси тадқиқот танланмаси ичида энг юқори диагностик аниқлик кўрсаткичларини намоён қилган. Нейропатик оғриқ гуруҳида ўртача умумий балл  $38,4 \pm 8,7$ , ноцицептив оғриқ гуруҳида эса  $16,2 \pm 6,3$  ни ташкил қилган ( $p < 0,001$ ). Оптимал чегара қиймати  $\geq 28$  баллда сезгирлик 92,3% ни ташкил қилган (52 бемордан 48 таси), махсуслик эса 90,2% га эришилган (41 бемордан 37 таси). Диагностик сўровномасининг қийматини объектив баҳолаш учун ROC-

таҳлил ўтказилиб, характеристик қия чизиклар тузилган ва қия остидаги майдон (AUC) ҳисобланган (жадвал 3).

**3-жадвал**

**Диагностик сўровномаларнинг операцион характеристикалари**

Сўровнома	Сезгирлик % (95% ДИ)	Хослик% (95% ДИ)	PPV %	NPV %	AUC (95% ДИ)	p-value
DN4	84.6 (72.5-93.1)	87.8 (73.8-95.9)	88.0	84.1	0.862 (0.785-0.939)	<0.001
LANSS	88.5 (76.6-95.6)	82.9 (68.3-92.8)	86.8	85.0	0.857 (0.779-0.935)	<0.001
NPQ	80.8 (67.5-90.4)	85.4 (70.8-94.4)	87.5	77.8	0.831 (0.748-0.914)	<0.001
НЕЙРО- РМЖ	92.3 (81.5-97.9)	90.2 (76.9-97.3)	92.3	90.2	0.913 (0.854-0.972)	<0.001

*Изоҳ: PPV – ижобий прогностик қиймат; NPV – салбий прогностик қиймат; AUC – ROC-қия остидаги майдон; 95% ДИ – 95% ишончли интервал.*

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, сўровномалар орасида ўртача мусбат корреляция аниқланган: DN4 ва LANSS ўртасида ( $r=0,742$ ;  $p<0,001$ ), DN4 ва NPQ ўртасида ( $r=0,681$ ;  $p<0,001$ ), LANSS ва NPQ ўртасида ( $r=0,698$ ;  $p<0,001$ ). Энг юқори корреляция НЕЙРО-РМЖ ва DN4 ( $r=0,823$ ;  $p<0,001$ ) ўртасида қайд этилган, бу эса махсус сўровноманинг яхши конвергент валиддигига эга эканлигини тасдиқлади.

Олинган натижалар тадқиқот гуруҳлари орасида S100β концентрациясида статистик аҳамиятли фарқли эканлигини кўрсатди. Нейропатик оғриқли беморлар гуруҳида ( $n=52$ ) S100β даражаси медианаси 0,087 мкг/л (интерквартиль оралик 0,064–0,125 мкг/л) ни ташкил қилган, бу кўрсаткич ноцицептив оғриқли беморлар гуруҳидаги ( $n=41$ ) кўрсаткичдан (0,041 мкг/л; 0,032–0,058 мкг/л) анча юқори бўлган ( $p<0,001$ , Mann-Whitney U тести). Cohen's d бўйича эффект ҳажми 1,84 ни ташкил қилиб, гуруҳлар орасида кескин фарқ мавжудлигини кўрсатган.

Аралаш турдаги оғриқ гуруҳидаги беморларда ( $n=17$ ) S100β медианаси 0,073 мкг/л (0,051–0,096 мкг/л) ни ташкил қилган ва нейропатик ҳамда ноцицептив оғриқ кўрсаткичлари орасида оралик ҳолатни эгаллаган. Нейропатик оғриқ гуруҳи билан фарқ статистик аҳамиятга эга бўлмаган ( $p=0,184$ , Mann-Whitney U), аммо ноцицептив оғриқ гуруҳи билан фарқлар статистик аҳамиятли бўлган ( $p=0,003$ ).

**4-жадвал**

**Тадқиқот гуруҳларида биомаркерлар даражалари**

Кўрсаткичлар	Нейропатик оғриқ ( $n=52$ )	Ноцицептив оғриқ ( $n=41$ )	Аралаш оғриқ ( $n=17$ )	p- value*
S100β, мкг/л	0.087 (0.064-0.125)	0.041 (0.032-0.058)	0.073 (0.051-0.096)	$p<0,001$

IL-6, пг/мл	18.4 (12.7-26.8)	8.2 (5.4-12.1)	14.6 (9.8-21.3)	p<0,001
TNF- $\alpha$ , пг/мл	12.8 (8.9-18.2)	6.4 (4.1-9.7)	10.1 (7.2-14.5)	p<0,001

Изоҳ: маълумотлар медиана (интерквартиль оралиқ) кўринишида берилган; p-value Kruskal–Wallis критерийси ёрдамида ҳисобланган.

